




Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Марказий банк асосий ставкаси  
йиллик **13,5 фоиз** даражасида  
ўзгаришсиз қолдирилди

Бошқарув йиғилиши  
2025 йил 23 январь




## 2024 йилда умумий инфляция даражаси хизматлар инфляцияси ҳисобига юқори шаклланди, озиқ-овқат инфляцияси эса ўтган йилларга нисбатан сезиларли пасайди




2024 йил декабрида йиллик инфляция даражаси **9,8 фоизга** тенг бўлиб, ноябрга нисбатан **0,2 фоиз бандга** (III чоракка нисбатан **0,7 фоиз бандга**) пасайди. Май ойидаги энергия нархлари ошишининг бирламчи таъсирисиз умумий инфляция **6,3 фоизга**, хизматлар эса **11,4 фоизга** тенг бўлди.

Аксарият товар ва хизматларнинг йиғма инфляция кўрсаткичларида секинлашиш кузатилган бўлиб, уларнинг улуши декабрь ойида **72** фоизни ташкил этди




Декабрь ойида йиғма инфляцияси секинлашаётган товар ва хизматлар улуши ортиб **72** фоизни ташкил этди. Инфляцияси тезлашган товар ва хизматлар улуши эса **27** фоизгача камайдди.

## Базавий инфляция сўнги ойларда сезиларли ўзгаришсиз шаклланиб, декабрда **7,2** фоизни ташкил этди



**Базавий инфляция** ноябрга нисбатан 0,3 ф.б.га, (ўтган чоракка нисбатан 0,1 ф.б.га) юқори бўлди.


**Тартибга солинадиган нархлар** инфляцияси бироз пасайиб, йиллик 37,2 фоизни ташкил этди.



**Мева ва сабзавотлар** нархларидаги дефляция қисқариб бориб, декабрда 6,4 фоизга тенг бўлди.

## Базавий инфляция ва унинг таркиби ўзгариши (2)

### Ноозиқ-овқатлар базавий инфляцияси



Ноозиқ-овқатлар базавий инфляциясида секинлашиш кузатилди ва йиллик 7,1 фоизни ташкил этди.


Пасайтирувчи гуруҳлар:

Қурилиш материаллари, кийим ва пойабзал, ювиш воситалари

Оширувчи гуруҳлар:

Дори воситалари

### Хизматлар базавий инфляцияси



Хизматлар базавий инфляцияси 0,3 фоиз бандга секинлашиб, йиллик 10,3 фоизни ташкил этди.



Пасайтирувчи гуруҳлар:

Маиший хизматлар

Оширувчи гуруҳлар:

Транспорт, тиббий, таълим хизматлари

## Аҳоли ва тадбиркорлар томонидан сезилган инфляция, инфляцион кутилмалар ва уларнинг омиллари




Аҳоли	2024											
	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен	окт	ноя	дек
Ёқилғи ва энергия нархининг қимматлашиши	49	54	50	47	49	47	44	46	47	46	51	57
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	39	39	42	55	57	54	51	49	45	47	51	56
Валюта курсининг ўзгариши	55	56	61	55	49	41	39	42	50	51	51	55
Транспорт харажатларининг ошиши	29	33	29	28	28	28	26	26	28	26	30	35
Монополия ва нархларнинг сунъий оширилиши	32	30	35	29	30	28	28	27	29	28	31	33
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	32	28	29	23	24	26	22	40	39	31	28	28
Асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши	24	22	26	25	22	21	20	23	25	24	26	26

Тадбиркор	2024											
	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен	окт	ноя	дек
Валюта курсининг ўзгариши	59	57	61	60	52	42	38	42	51	50	51	52
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	35	37	38	54	55	53	50	47	46	42	49	52
Ёқилғи ва энергия ресурслари қимматлашиши	43	49	44	44	43	41	42	45	44	42	48	49
Транспорт харажатлари қимматлашиши	33	35	33	31	33	29	31	31	31	29	32	34
Солиқ юкининг юқорилиги	24	27	25	31	35	31	28	27	27	23	25	27
Хомашё нархларининг қимматлашиши	28	28	28	27	26	26	25	26	27	25	25	25
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	28	26	26	22	21	22	17	38	38	30	29	25

## Инфляция даражаси 7-8 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда


Инфляция даражаси прогнози, фоиз




Янгиланган прогнозларга кўра, 2025 йил якунига умумий инфляция **7-8 фоиз атрофида** шаклланиши кутилмоқда. Нисбатан қатъий пул-кредит шароитлари ҳамда макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши инфляцион кутилмаларнинг пасайишига ёрдам беради.

## Иқтисодий ўсиш 2024 йилда 6,5 фоизни ташкил этди

ЯИМ ва унинг компонентлари ўсиши,  
кумулятив, фоизда



ЯИМ реал ўсиши декомпозицияси,  
кумулятив, фоизда




Бунда **саноат** маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **6,8** фоизга (*ЯИМ ўсишига қўшган ҳиссаси – 1,7 фоиз банд*), кўрсатилган бозор **хизматлари** ҳажми **12,9** фоизга (*3,4 фоиз банд*), **қишлоқ хўжалиги** – **3** фоизга (*0,5 фоиз банд*) ва **қурилиш** соҳаси **8,8** фоизга (*0,6 фоиз банд*) ўсди.




## Асосий капиталга киритилган инвестициялар

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг реал ўсиши декомпозицияси



Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, млн. долларда




**Марказлашмаган инвестициялар** ҳажми ушбу даврда 32,8 фоизга ошиб, жами инвестициялар ўсишига 29,5 фоиз банд ҳисса кўшди. Уларнинг улуши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициянинг 90 фоизини (+3 ф.б.) ташкил этди.


Шунингдек, 2024 йилда иқтисодиётга **11,9 млрд. доллар** миқдорида **тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** кириб келди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 53,6 фоизга ошди.

## Иқтисодиётга ажратилган кредитлар

Ажратилган кредитлар ўзгариши  
(ўтган йилга нисбатан)




Миллий валютадаги кредитлар  
қолдиғининг йиллик ўсиши, фоиз




2024 йилда жами ажратилган кредитлар 2023 йилга нисбатан **14,3 фоизга** ўсиб, **287,3 трлн.** сўмни ташкил этди. Бунда аҳолига берилган кредитлар **3,8 фоизга ошган** (автокредитлар ажратилиши **2,1 баробарга камайган**). Автокредитларни ҳисобга олмаганда аҳолига ўтган йилга нисбатан **36,6 фоизга** кўпроқ кредит ажратилган.

## Трансчегаравий пул ўтказмалари

Трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми,  
млн. долл



Валюта хариди,  
млн. долл




Пул ўтказмалари ҳажми 2024 йилда **14,8 млрд.** долларни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан **30 фоизга** ўсди. Сўнгги ойда рублнинг юқори тебранувчанлиги пул ўтказмалари оқимини бироз секинлаштирди. Аҳолининг валюта сотуви ва хариди ўртасидаги ижобий тафовут **6,7 млрд.** долларга етди.


## Глобал иқтисодий ўсиш ва инфляция прогнозлари

Глобал иқтисодий ўсиш\*, *фоизда*

ХВЖ




Жаҳон банки



Глобал инфляция, *фоизда*

ХВЖ




**Халқаро Валюта Жамғармаси (ХВЖ)** томонидан глобал иқтисодий ўсиш прогнозлари пандемиягача бўлган охириги йигирма йиллик тарихий кўрсаткичдан паст даражада қолаётганлиги таъкидланмоқда. **Жаҳон банки** томонидан январь ойида эълон қилинган “**Глобал иқтисодий истиқболлар**” таҳлилига кўра, 2025 йилда **глобал иқтисодий ўсиш** барқарор бўлиши прогноз қилинмоқда. **Глобал инфляцион** жараёнлар мўътадил бўлиб, прогноз доирасида шаклланмоқда.


## Савдо ҳамкорлар иқтисодиёти прогнозлари

(Халқаро Валюта Фонди, 2025 йил январь // 2024 йил октябрга нисбатан)


Хитой




Қозоғистон



Россия




Туркия




Хитойда иқтисодиётнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги ўсишга таъсир кўрсатмоқда. Россияда ички талабнинг юқорлиги, энергия экспорти ҳажми аста-секин тикланиши ва бу ўсишни қўллаб-қувватлаши, Туркияда бўлса, пул-кредит шароитларининг қатъийлиги ўсишга таъсир қилиши кутилмоқда. Қозоғистонда нефть қазиб олиш юқорилиги ўсиш суръатини қўллаб-қувватлаши мумкин.

## Ташқи савдо динамикаси

Экспорт ўсиш суръатлари, фоизда




Импорт ўсиш суръатлари, фоизда



2024 йилда жами **импорт** ўсиши **0,8 фоизни** ташкил этиб, асосан энергетика ва нефть, озиқ-овқатлар ва хизматлар ҳисобига ошган бўлса, машина ва ускуналар ҳамда кимё маҳсулотлари импорти қисқарган.

2024 йилда умумий **экспорт** ҳажми **8,4 фоизга** (олтинсиз экспорт 16,5 фоизга) ошди. 2024 йилда асосий экспорт хомашё товарлари (умумий товар экспортининг 60 фоизи) **нархлари** ташқи бозорлар конъюнктурасида **юқори шаклланди**.

## Реал самарали алмашув курси




2024 йилда сўмнинг реал самарали алмашув курси **5,9 фоизга** мустаҳкамланди.


2024 йил сўнгги ойларидаги реал самарали алмашув курсининг маълум даражада мустаҳкамланиши қисқа муддатли характерга эга бўлиб, асосан савдо ҳамкорлар валюталарининг қадрсизланиши ҳамда инфляция даражаси савдо ҳамкорларга нисбатан юқорилиги таъсирида шаклланди.

## Банклараро пул бозорларидаги фаоллик ва шаклланган фоиз ставкалар

UZONIA бенчмарк  
ставкаси динамикаси, *фоизда*




Пул бозорларидаги муддатлар бўйича  
фоиз ставкалари, *фоизда*



**UZONIA** бенчмарк фоиз ставкаси чорак давомида кичик тебранишлар билан тўлиқ асосий ставка даражасида шаклланди ва ўртача **13,2 фоизга** тенг бўлди ва РЕПО операциялари бўйича ҳисобланган шартли UZONIA фоиз ставкаси ҳам асосий ставка атрофида тебраниб, ўртача **13 фоизни** ташкил этди. Шунингдек, узоқроқ муддатли операциялар бўйича ҳам фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилиб, Марказий банк фоиз коридори доирасида шаклланиб борди.



## Депозитлар қолдиғининг йиллик ўсиши




2025 йилда банк тизимидаги **жами депозитлар** қолдиғи **34,4 фоизга** ўсиб, йил якунида **223,7 трлн.** сўмни ташкил этди. Бунда **жисмоний шахсларнинг** миллий валютадаги муддатли депозитлари қолдиғи йиллик **63,4 фоизга** ўсиб, **54 трлн.** сўмни ташкил этди.

Аҳолининг банклардаги **жами депозитлари** 2023 йилдаги **79 трлн** сўмдан 2024 йилда **113,5 трлн** сўмгача ёки **43 фоизга** ошди.

## Иқтисодий ўсиш даражаси 6 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда

Реал ЯИМ ўсиши прогнози, *фоиз*



2025 йилда юқори иқтисодий фаоллик ҳисобига ялпи ички маҳсулот ўсиши тенденцияси давом этиб, йил **яқунида 6 фоиз атрофида** шаклланиши прогноз қилинмоқда. Бунда хусусий инвестициялар ортиши иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватловчи омил бўлиб, товар ва хизматлар таклифининг ортишига хизмат қилади.